

Жиноят ишини раёсатда кўришда қайд этилган ҳолатларни рад этувчи бирор-бир далил ёки асос ишда мавжудлигини кўрсатмасдан суд қарорлари бекор қилингани сабабли раёсат қарори бекор бўлишига сабаб бўлди.

Жиноят ишлари бўйича ўаллаорол туман судининг 2006 йил 24 ноябрдаги ҳукмига асосан фуқаро К. Жиноят кодексининг 100-моддаси билан 3 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти апелляция инстанциясининг 2006 йил 19 декабрдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган. К.га 2006 йил 30 ноябрдаги амнистия акти 7-бандининг «а» кичик банди қўлланиб, тайинланган жазонинг ўталмаган қисми учдан бирига қисқартирилган.

Суд ҳукмига кўра, К. 2006 йил 31 августдан 1 сентябрга ўтар кечаси соат 01 ларда маст ҳолда ўаллаорол тумани, «Лалмикор» кўрғони, «Алишер Навоий» маҳалласи ҳудудидаги дарахтлар тагида ухлаб ётган вақтда ёнига И. маст ҳолда келиб, оёғи билан туртиб уйғотиб, «фоҳиша топиб берасан» деб битмаган оғилхона олдига судраб олиб бориб, уни орқа томонидан чап кўлини кўйиб юбормасдан ушлаб олиб зўрлик ишлатиб кўли билан шимини ечмоқчи бўлганида, К. шимининг чўнтагидаги хўжалик пичоғини олиб, унинг орқасида чап кўлини ушлаб энгашиб турган И.га тажовузнинг характери ва хавфлилик даражасига бутунлай мувофиқ бўлмаган мудофаани кўллаб, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, уни бир неча марта пичок билан уриб, қасддан ўлдирган.

Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят суди раёсатининг 2007 йил 24 майдаги қарори билан жиноят ишлари бўйича ўаллаорол туман судининг 2006 йил 24 ноябрдаги ҳукми ва жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят суди

апелляция инстанциясининг 2006 йил 19 декабрдаги ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан суд мажлисида кўриш учун юборилган.

Назорат инстанцияси суди Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 4-бандидаги судлар қасддан одам ўлдириш жиноятини жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятидан фарқлаш учун айбдорнинг қасди нимага қаратилганлигини, унинг ўз ҳаракатлари оқибати, яъни жабрланувчининг ўлимига нисбатан субъектив муносабати инобатга олиниши ҳақидаги тушунтиришига;

Жиноят ишида тўпланган ҳужжатларга ва судда аниқланган ҳолатларга қараганда К. 54 ёшда, марҳум И. эса 20 ёшли бўлиб, К.дан жисмоний жиҳатдан анча бақувват кучли бўлган, И. маст ҳолатда зўрлик ишлатаёганида К. пичоқ билан уни қасддан ўлдирганлиги судга оид тиббиёт экспертизасининг И.га пичоқ билан етказилган олтига жароҳат марҳумнинг танасига 0,5 см.дан кўпроқ кирмаганлиги, марҳумнинг бўйнининг бўш жойидан кўкрак қафасигача 8-10 см. кириб, ўпкасини жароҳатлаганлиги сабабли ички ва ташқи қон кетиши оқибатида ўлим келиб чиққанлиги ҳақидаги хулосаси билан ҳам исботланганлигига;

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўралган эксперт Н. марҳум И.га етказилган барча жароҳатлар орқада қўлини ушлаб, эгилиб И.га қарата пичоқ урганлиги, чунки И.га пичоқ урилган пайтда томонлар юзма-юз ёки ёнма-ён бўлмаганликлари, баданидаги тан жароҳатлари юқоридан пастга қарата йўналтирилганлиги, К.нинг тергов давридаги ва суддаги кўрсатмаларига марҳумнинг тан жароҳати олиш механизмлари мос келганлигини тасдиқлаганига;

Гувоҳ Т. судда И. бир рус миллатига мансуб шахсни кечаси дарахтзор орасида қўлидан ушлаб турганини кўриб нима қилаётганини сўраганида «Сени ишинг бўлмасин, бу мени танишим, аралашма кет деб» ҳақоратлаб кетказиб юборган ҳақидаги кўрсатмасига;

ЖПК 23-моддасидаги «айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши» назарда тутилганлиги ҳақидаги талабига риоя этмасдан, ишни кўришда қайд этилган ҳолатларни рад этувчи бирор-бир далил ёки асос жиноят ишида мавжудлигини кўрсатмасдан суд қарорларини бекор қилиб, жиноят ишини янгидан суд мажлисида кўриш учун юбориб хатога йўл қўйган.

Раёсат Олий суд Пленумининг 2001 йил 14 июндаги **«Жиноят ишларини кассация ва назорат тартибида кўриш амалиёти ҳақида»**ги қарори 21-бандида **«Суд ишни қўшимча терговга ёки янгидан судда кўриш учун юбораётганида судланувчига қўйилган айбнинг исботланганлиги ёки у ёки бу далилнинг ишончлилиги, бир далилнинг иккинчисидан афзаллиги, қилмишнинг у ёки бу жиноят қонуни билан квалификация қилиниши лозимлиги ва жазо чораси ҳақида олдиндан хулоса қилишга ҳақли эмас»**лиги назарда тутилганлигига эътибор бермай, «Суд К.нинг жиноий ҳаракатини зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш эмас, балки хавфли рецидивист томонидан қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида жабрланувчининг ўлимига сабабчи бўлганликда ЖК 104-моддаси 3-қисмининг «б,д» бандлари билан қайта квалификация қилиб, жазо тайинлаши лозим эди» деб олдиндан хулоса

қилиб, қуйи судга кўрсатма бериб, мазкур Пленум қарорига зид равишда қарор қабул қилган.

Бундан ташқари, раёсат К. рус миллатига мансуб бўлгани, иқрорлик аризаси ва тушунтириш хатлари, шунингдек, барча кўрсатмаларини рус тилида берганлиги учун тергов даврида таржимоннинг иштироки таъминланганлигига, у ўзбек маҳалласида яшаганлиги сабабли ўзбек тилини яхши билишлиги ва тушуниши сабабли жиноят ишини суд мажлисида муҳокама этишни ўзбек тилида олиб борилишига розилигини билдириб ариза берганлигига, унинг бу аризасига асосан суд мажлиси ўзбек тилида олиб борилгани ва К. судда ўзбек тилида кўрсатувлар берганига алоҳида эътибор қаратмасдан, суд мажлисида К.нинг таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқини бузилишига йўл қўйилган деб нотўғри хулосага келган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2007 йил 12 июндаги ажрими билан К.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят суди раёсатининг қарори бекор қилиниб, биринчи босқич суди ҳукми ва апелляция инстанцияси ажрими ўзгаришсиз қолдирилди.

ЖСҲ-198-07 сонли ажрим